

Иймон қуввати



09:00 / 01.07.2022 6343

Имом Кисоий ҳикоя қилади:

«Бир аёлни кўриб қолдим. У ўғилчасини илм ҳалқасига боришга ундарди. Болакай боришни истамай қочиб, югуриб юрарди. Шунда аёл: «Ўғилчам борақолгин, бўлмаса мана бу чўпонга ўхшаб қўй боқиб юраверасан», дея менга ишора қилди.

Шунда мен ўзимга-ўзим дедим: «Қара, сени билимсизлик ва жаҳолатга мисол сифатида, зарбулмасал кўрсатилляпсан!».

Кейин бўлса, Кисоий қўйларини бозорга олиб чиқиб сотдида, илм талабида сафарга чиқиб кетди. Ўша вақтда ёши қирқда эди.

Шоир қандай тўғри айтган:

Илмда ютуққа эришган у билан ҳамиша яшашда давом этади,

Инсонлар вафот этсаларда, илм аҳли ҳаёт бўлаверадилар.

Муҳаммад Ҳасан Деду дейди:

«Қачонки иймон қалбларга чуқур ўрнашар экан, бирон бир башарий қувватнинг унинг олдида тўсқинлик қила олиши имконсиздир. Ана, Фиръавннинг сеҳргарларининг қалблари қачонки иймон шароби ила қопланиб тўлгач, Фиръавнни дарахтга хочлаб олиш ёки қатл этиш ила кўрсатган таҳдидидан асло қўрқмадилар ва албатта дедилар: **«Бас, нима ҳукм қилсанг, қилавер. Сен фақат ҳаёти дунёда ҳукм чиқарасан, холос»**, (Тоҳа сураси, 72-оят).

Изоҳ: Фиръавн ўз қаричи билан ўлчар эди. У таҳдид, азоб-уқубат, қийнаш, чопиш-кесиш, ўлдириш билан одамларни измимда ушлаб тураман, деб хаёл қиларди. Аммо инсоннинг қалбига ҳақиқий иймон кирганида, унинг бу чоралари заррача ҳам таъсир қилмай қолишини англамасди. Унинг собиқ сеҳргарлари қалбига ана шундай иймон жо бўлган эди. Энди улар Фиръавннинг ҳеч қандай дўқ-пўписаларидан қўрқмасдилар. **«Улар: «Биз сени зинҳор ўзимизга келган очиқ-ойдин (мўъжиза)лардан ва бизни яратган зотдан устун қўймаймиз. Бас, нима ҳукм қилсанг, қилавер. Сен фақат ҳаёти дунёда ҳукм чиқарасан, холос. Албатта, биз Роббимиз хатоларимизни ва сен бизни мажбур қилган сеҳрни мағфират қилиши учун иймон келтирдик. Аллоҳ яхши ва боқийдир»**, дедилар». (Тоҳа сураси, 72-73 оятлар) тафсиридан.

Манба: arabicuz